

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 16 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи, суд раиси С.Т.Исакулов, судья ёрдамчиси С.Нишанбаеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оққўрғон туман прокурори катта ёрдамчиси Ф.Алтмишев, судланувчи Д.Қандимов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилаётган “ADVOKAT DUR” адвокатлик фирмаси М.Хатамов, жабрланувчи С.Ризакулов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилаётган “ADOLAT PESHVOSI” адвокатлик бюроси М.Кадировнинг иштирокида, Қандимов Дилакмурод Дехқонбоевичга нисбатан 1-1109-2601/47 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Қандимов Дилакмурод Дехқонбоевич** (Qandimov Dilakmurod Dехqonboyevich), 1990 йил 11 сентябрда Бўка туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, ҳарбий хизматга мажбур, Бўка тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги 19-сонли мактабгача таълим ташкилоти ўт ёқувчиси, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2008 йил 12 декабрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ушбу Кодекс 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тугатилган, Тошкент вилояти, Бўка тумани, “Қорақудук” МФЙ, Бахшибобо кўчаси, 16-уйда яшайди, иш бўйича шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 10 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми “м” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Д.Қандимов 2025 йил 12 сентябрь куни соат 09:30 ларда, Бўка тумани, “Қорақудук” маҳалласи, Бахшибобо кўчасида, қўшниси Ризакулов Сунатулла Тохирович билан ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик натижасида ўзаро жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида қасддан баданга шикаст етказиш мақсадида, дастлабки тергов давомида аниқлашни имкони бўлмаган қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган тошдан қурол сифатида фойдаланиб, ушбу тош бўлаги билан С.Ризакуловни кўз қисмига ва кўли билан танасини турли жойларига уриб, тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2025 йил 4 октябрдаги 726-сонли тиббий хулосасига кўра, С.Ризакуловда “чап кўз ёпиқ жароҳати, травмадан



кейинги катаракта, чап кўз енгил контузияси, чап кўзи пастки қовоғидаги тери ости гематомаси тил соҳасидаги яраси” кўринишидаги каби жароҳатлари аниқланганлиги, бу жароҳатлари қаттиқ ўтмас жисм ёки жисмлар таъсиридан келиб чиққан бўлиб, қарорда кўрсатилган вақт ва тафсилотда ҳам олинган бўлиши мумкинлиги, ушбу жароҳатлари узок вақтга, яъни 21 кундан ортиқ, аммо 4 ойдан кўп бўлмаган муддатга соғлигининг бузилишига олиб келишини ва шу белгисига кўра оғирлик даражаси бўйича “Ўртача оғир” тан жароҳатлари сифатида баҳоланиши аниқланган.

Судланувчи Д.Қандимов суд мажлисида айбига қисман иқроп бўлиб, кўшниси Ризақулов Сунатиллани яшаш хонадони ва томорқасига чегара жойида уни 10 сотих ери борлигини, ери ва кўшниси С.Ризақулов билан ерини чегараси дастлаб сим тўсиқ билан 1.5-2 метр оралиқда арматура темир бўлаги ерга қоқилиб ажратилганлигини, 2025 йил 12 сентябрь куни 09:00 ларда Сунатиллани яшаш хонадони ёнида жойлашган ерида ишлаётганида, Сунатилла ўзини ўтинларини қоққан арматурага ётқизиб тахлаб, арматураларни қийшайтирганлигини кўрганини, уни ёнига бориб, ўтинларини ўзи томонга тахлашини, арматураларини қийшайиб кетаётганлигини айтганида, у тўсатдан кўпол гапириб, уни ерида нима қилаётганлигини, бу ердан йўқолишини айтиб, уни сўкиб хақорат қилиб кетганлигини, шунда у сўкинмаслигини айтса ҳам у онасини фалон қилай деб сўкиб хақорат қилиб кўлига ёғоч олиб, уни ёғоч билан бошига урганлигини, шунда у ҳам кўлларини мушглаб, Сунатиллани юзига бир маротаба урганлигини, уни зарбаси Сунатиллани кўзига текканлиги, Сунатилла ундан узоклашиб ердан тош ва кесак олиб, унга бир неча маротаба отганлигини, бироқ уни отган тошлари унгача етиб келмаганлигини, Сунатилла ўзини лабини ўзи тишлаб ўзига жароҳат етказганлигини. кўшниси Сунатиллани уйи ёнида жойлашган ер участкасини марҳум дадаси Сунатиллани қайнотасидан сотиб олганидан хабари борлигини, улар бу ер участкасидан ёшлигидан буён фойдаланиб келишини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг ўрнини тўлиқ қошлаб берганлигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Д.Қандимовнинг айби унинг айбига қисман иқроп бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жиноят ишида тўпланган ҳамда суд мажлисида текширилган қуйидаги далиллар билан тўлиқ исботланади.

Жабрланувчи С.Ризақулов суд мажлисида, уни яшаш хонадони ёнида у билан бир маҳаллада яшовчи Қандимов Дилакмуроднинг тахминан 5 сотихли ер участкаси бўлиб, ушбу ер участкаси темир арматура қоқиб, сим тўсиқ билан ўраб олинганлигини, 2025 йил 12 сентябрь куни соат 09:00 ларда, уйини пастки томонида Дилакмуродни ери билан чегара жойга эски ўтинларни устига ўтин тахлаётганида, Дилакмурод уни хақорат қилиб сўкиб кетганлигини, ундан нима учун сўкаётганлигини сўраганида, у бақириб нима сабабдан уни сим тўсиғини устига ўтин тахлаётганлигини айтиб, бақир-чақир қилиб, ўтинларини тепиб, ўтинларни устига чиқиб, кўлидаги тош билан уни чап кўзига урганлигини, у ўзини билмай қолиб, ерга йиқилиб қолганлигини,



Дилакмурод уни боши ва танасини турли жойларига урганлигини, шунда Дилакмуродни акаси Даврон келиб қолиб, уларни ажратиб қолганлигини, кейин у ўзига келиб, уйига қайтиб, ИИБга хабар берганлигини, ҳозирда Д.Қандимов унинг соғлиғига етказилган 15 млн. сўм моддий зарарнинг ўрнини тўлиқ қопланганлигини, унга нисбатан даъво эътирози йўқлигини, бироқ адвокат хизмати учун тўланган 10 млн. сўмни қоплаб бермаганлигини баён қилиб, судланувчига нисбатан енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ С.Тохирова суд мажлисида, С.Ризақулов уни қайнотаси бўлишини, 2025 йил 12 сентябрь соат 10:11 ларда, у фарзанди Аббосбекни ҳовлисида кроватда ухлатаётганида, ҳовлисининг пастки қисмида бақир-чақир овозини эшитиб, ўрнидан туриб борганида, Дилакмурод уни қайнотаси С.Ризақуловни тош билан урганини кўрганлигини, Дилакмурод қайниотасини олдига бориб, ёқасидан ушлаб кўкрак қафасига муштлаб урганлигини, қайниотаси С.Ризақулов орқага қараб йиқилиб тушганлигини, шу ерга Дилакмуроднинг акаси Даврон келиб укасини қўлидан тошни тортиб олиб, уларни ажратиб қўйганлигини баён қилди.

Судланувчи Д.Қандимовнинг айби, унинг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, билдирги, жабрланувчининг аризаси, дастлабки тушунтириш хатлари, суд тиббий экспертизасининг хулосаси, тарафларнинг розилиги билан суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ Даврон Қандимовнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиғини топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д.Қандимовнинг жиноий ҳаракатлари “Совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб, қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш”да ифодаланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми “м” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, шу Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Д.Қандимовга жазо тури ва меъерини тайинлашда, юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилганлигини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, унга нисбатан енгиллик беришни



сўраб ариза билан мурожаат қилганлигини ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларини эътиборга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлигини инобатга олиб, одиллик ва инсонпарварлик принципларига амал қилиб, у айбли деб топилаётган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми “м” бандида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд жабрланувчи С.Ризақуловга судланувчи Д.Қандимов томонидан жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни қолдиқ қисмини ундириш масаласида фуқаролик-ҳуқуқий тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472-моддаларига асосан, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

**Қандимов Дилакмурод Дехқонбоевич** (Qandimov Dilakmurod Dехqonboyevich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми “м” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Д.Қандимовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми “м” банди билан ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари вақтда Тошкент вилояти, Бўка тумани, “Қорақудуқ” МФЙ, Бахшибобо кўчаси, 16-уй-жойидан чиқиши чекланган ҳолда 3 (уч) йил 6 (олти) муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Д.Қандимовнинг зиммасига:

-кўнгилочар жойлар (кафе, бар, ресторан ва тунги клублар)га бормаслик;

-оммавий тадбирлар (байрам сайллари ва намойишлар)да иштирок этмаслик;

-жазо ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойларини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-муқаддам судланган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик каби қўшимча мажбуриятлар юклатилсин.

Жазони ижро этиш Бўка тумани ИИБ Пробация бўлинмаси томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати Д.Қандимов жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Д.Қандимовга нисбатан қўлланилган шахсий кафилик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Д.Қандимовга жазони ўташ даврида ўзларининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд уларга



нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосини ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жабрланувчи С.Ризақуловга судланувчи Д.Қандимов томонидан жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни қолдиқ қисмини ундириш масаласида фуқаролик-ҳуқуқий тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, агар у апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, шу тартибда кассация шикояти бериши ёки протест билдиришга ҳақлидир.

**Раислик қилувчи:**

**имзо**

**С.Т.Исакулов**

**Нусха аслига тўғри:**

